

Хатиб Бағдодийнинг кўчада ҳам китоб мутолаа қилиб юриши



19:03 / 09.09.2020 1396

Ҳофиз Заҳабий «Тазкиротул ҳуффоз»да Бағдод муаррихи ва муҳаддиси Хатиб Бағдодийнинг таржимаи ҳоли ҳақида қуйидагиларни ёзган: «Хатиб юриб кетаётганида қўлида ўқиб кетаётган жузи бўларди. Бу ишни вақтини асраш ва ҳатто юриш асносида ҳам бирор илмий манфаат олмасдан фурсатнинг беҳуда ўтиб кетишидан сақланиш учун қиларди».

Изоҳ: Хатиб Бағдодий 392 ҳижрий санада туғилиб, 463 ҳижрий санада вафот этган.

«Уламолар наздида вақтнинг қадри» китобидан